



Ўзбекистон Республикаси  
Интеллектуал мулк агентлиги

# РАСМИЙ АХБОРОТНОМА

1993 йилдан бошлаб нашр этилади

- Ихтиролар
- Фойдали моделлар
- Саноат намуналари
- Товар белгилари
- Товар келиб чиққан жой номлари
- ЭХМ учун дастурлар
- Маълумотлар базалари
- Интеграл микросхемалар топологиялари
- Селекция ютуқлари

(43) Ушбу ахборотномага киритилган ихтироларга ва селекция ютуқларига талабномалар тўғрисидаги маълумотлар **2018 йил 30 мартдан** чоп этилган деб ҳисобланади

(45) Ушбу ахборотномага киритилган саноат намуналарига муҳофаза ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотлар **2018 йил 30 мартдан** чоп этилган деб ҳисобланади

(450) Ушбу ахборотномага киритилган товар белгиларига гувоҳномалар тўғрисидаги маълумотлар **2018 йил 30 мартдан** чоп этилган деб ҳисобланади

(46) Ушбу ахборотномага киритилган ихтироларга, фойдали моделларга, селекция ютуқларига, ЭХМ учун дастурларга, маълумотлар базаларига муҳофаза ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотлар **2018 йил 30 мартдан** чоп этилган деб ҳисобланади

Тошкент  
2018 йил

**3(203)**

Агентство по интеллектуальной  
собственности Республики Узбекистан



## ОФИЦИАЛЬНЫЙ БЮЛЛЕТЕНЬ

Издается с 1993 года

- **Изобретения**
- **Полезные модели**
- **Промышленные образцы**
- **Товарные знаки**
- **Наименования мест происхождения товаров**
- **Программы для ЭВМ**
- **Базы данных**
- **Топологии интегральных микросхем**
- **Селекционные достижения**

(43) Сведения о заявках на изобретения и селекционные достижения, помещенные в настоящем бюллетене, считаются опубликованными **30 марта 2018 года**

(45) Сведения об охранных документах на промышленные образцы, помещенные в настоящем бюллетене, считаются опубликованными **30 марта 2018 года**

(450) Сведения о свидетельствах на товарные знаки, помещенные в настоящем бюллетене, считаются опубликованными **30 марта 2018 года**

(46) Сведения об охранных документах на изобретения, полезные модели, селекционные достижения, программы для ЭВМ, базы данных, помещенные в настоящем бюллетене, считаются опубликованными **30 марта 2018 года**

Ташкент  
2018 год

**3(203)**

## МУНДАРИЖА

<b>I</b>	<b>ИХТИРОЛАР</b>	
	Ихтиролар ва фойдали моделларга оид библиография маълумотларини идентификациялаш учун халқаро кодлар (БИМТ ST.9 стандарти).....	5
	Ихтироларга қабул қилинган талабномалар ҳақида маълумотларни нашр қилиш	
	<b>BZ1A</b> Ихтироларга талабномалар	
	А. Инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш.....	6
	В. Турли технологик жараёнлар.....	22
	С. Кимё ва металлургия.....	24
	Д. Тўқимачилик ва қоғоз.....	35
	Е. Қурилиш; Кончилик Иши.....	35
	Ғ. Механика; ёритиш; иситиш; моторлар ва насослар; портлатиш ишлари.....	37
	Г. Физика.....	37
	Н. Электр.....	46
	<b>1.5. BZ1A</b> Ихтироларга талабномаларнинг тизимли кўрсаткичи	
	<b>1.1-бўлим</b> учун ихтироларга талабномаларнинг тизимли кўрсаткичи.....	48
	Ихтиролар Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган ихтиролар ҳақида маълумотларни нашр қилиш	
	<b>1.2. FG4A</b> Ихтироларга патентлар	
	А. Инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш.....	50
	С. Кимё ва металлургия.....	58
	Д. Тўқимачилик ва қоғоз.....	74
	Ғ. Механика; ёритиш; иситиш; моторлар ва насослар; портлатиш ишлари.....	74
	Г. Физика.....	76
	Н. Электр.....	77
	<b>1.5. FG4A 1.2-бўлим</b> учун ихтироларга патент ва талабномаларнинг тизимли ва рақамли кўрсаткичлари.....	79
	<b>1.2-бўлим</b> учун ихтиролар муаллифларининг ном кўрсаткичи.....	80
<b>II</b>	<b>Фойдали моделлар</b>	
	Фойдали моделлар Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган фойдали моделлар ҳақида маълумотларни нашр қилиш	
	<b>2.1.FG4K</b> Фойдали моделларга патентлар	
	А. Инсоннинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш.....	82
	В. Турли технологик жараёнлар.....	84
	Ғ. Механика; ёритиш; иситиш; моторлар ва насослар; портлатиш ишлари.....	85
	<b>2.2.FG4K</b> Фойдали моделларга патентларнинг тизимли ва рақамли кўрсаткичлари.....	87
	Фойдали моделлар муаллифларининг ном кўрсаткичи.....	88
<b>III</b>	<b>САНОАТ НАМУНАЛАРИ</b>	
	Саноат намуналарига оид библиография маълумотларини идентификациялаш учун халқаро кодлар (БИМТ ST.80 стандарти)	89
	Саноат намуналари Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган саноат намуналари ҳақида маълумотларни нашр қилиш.....	90
	<b>3.1. FG4L</b> Саноат намуналарига патентлар.....	90
	<b>3.2. FG4L</b> Саноат намуналарига патент ва талабномаларнинг тизимли ва рақамли кўрсаткичлари.....	112
<b>IV</b>	<b>ТОВАР БЕЛГИЛАРИ</b>	
	Товар белгиларига оид библиография маълумотларини идентификациялаш учун халқаро кодлар (БИМТ ST.60 стандарти).....	113
	<b>4.1. FG4W</b> Товар белгилари Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган товар белгилари ҳақида маълумотларни нашр қилиш.....	114
	<b>4.1. FG4W</b> Товар белгиларига гувоҳномалар ва талабномалар бўйича тизимли ва рақамли кўрсаткичлар.....	189
<b>VI</b>	<b>ЭҲМ УЧУН ДАСТУРЛАР</b>	
	ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базаларига оид библиография маълумотларини айнанлаштириш учун кодлар.....	196
	<b>6.1. ЭҲМ</b> учун дастурлар Давлат реестри рўйхатидан ўтказилган ЭҲМ учун дастурлар ҳақида маълумотларни нашр қилиш.....	197
	<b>6.2. ЭҲМ</b> дастурларига талабномаларнинг рақамли кўрсаткичи.....	232
<b>VII</b>	<b>СЕЛЕКЦИЯ ЮТУҚЛАРИ</b>	
	Селекция ютуқларига оид библиография маълумотларини идентификациялаш учун кодлар.....	233
	<b>9.1. AA1E</b> Қабул қилинган талабномалар ҳақида маълумотларни нашр қилиш.....	234
	<b>9.2.</b> Селекция ютуқларининг номлари ҳақида маълумотларни нашр қилиш.....	235
	<b>9.3. AA1E</b> Ўсимликлар навлари ва ҳайвонлар зотларининг Давлат реестри рўйхатидан ўтказилган селекция ютуқлари тўғрисида маълумотларни нашр қилиш.....	236
	<b>9.4. AA1E</b> Селекция ютуқларига тизимли ва рақамли кўрсаткичлар.....	261
<b>X</b>	<b>ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИГА ҲУҚУҚНИ ТОПШИРИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМАЛАР</b>	
	<b>10.1.QB4A/4W</b> Лицензия шартномалари.....	263
	<b>10.2. PC4W</b> Ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисида шартномалар.....	268
<b>XII</b>	<b>ҲАБАРЛАР</b>	
	<b>MB4W</b> Саноат намунасига берилган патентнинг амал қилишини Апелляция кенгашининг қарорига асосан муддатидан илгари тўхтатиш.....	269
	<b>ND4A</b> Ўзбекистон Республикасининг ихтирога берилган патентнинг амал қилиш муддатини тиклаш.....	269
	<b>ND4K</b> Ўзбекистон Республикасининг фойдали моделга берилган патентнинг амал қилиш муддатини тиклаш.....	269
	<b>PD4K</b> Ўзбекистон Республикасининг фойдали моделга берилган патентнинг амал қилиш муддатини узайтириш.....	270
	<b>ND4L</b> Ўзбекистон Республикасининг саноат намунасига берилган патентнинг амал қилиш муддатини тиклаш.....	270
	<b>PD4L</b> Ўзбекистон Республикасининг саноат намунасига берилган патентнинг амал қилиш муддатини узайтириш.....	270
	<b>ND4W</b> Ўзбекистон Республикасининг товар белгисига берилган гувоҳномаларининг амал қилиш муддатини узайтириш.....	271
	<b>ND4W</b> Ўзбекистон Республикасининг товар белгисига берилган гувоҳнома эгасининг номини ўзгартириш.....	273
	<b>TE4W</b> Ўзбекистон Республикасининг товар белгисига берилган гувоҳнома эгасининг манзилини ўзгартириш.....	274
	<b>TG4W</b> ЎзР нинг товар белгисига берилган гувоҳномаларидаги товарлар ва хизматлар рўйхатига ўзгартириш қиритиш.....	275
	Патент вакиллари ҳақидаги маълумотлар.....	276
<b>XIII</b>	<b>АВВАЛ НАШР ЭТИЛГАНЛАРГА ЎЗГАРТИРИШЛАР</b> .....	277
<b>XIV</b>	<b>РЎЙХАТГА ОЛИНГАН ТОВАР БЕЛГИЛАРИ РАНГЛИ ТАСВИРЛАРИНИНГ ИФОДАСИ</b> .....	279

## СОДЕРЖАНИЕ

<b>I</b>	<b>ИЗОБРЕТЕНИЯ</b>	
	Международные коды для идентификации библиографических данных, относящихся к изобретениям и полезным моделям (Стандарт ВОИС ST.9).....	5
	Публикация сведений о принятых заявках на изобретения	
	<b>1.1. BZ1A</b> Заявки на изобретения	
	<b>A.</b> Удовлетворение жизненных потребностей человека .....	6
	<b>B.</b> Различные технологические процессы .....	22
	<b>C.</b> Химия и металлургия .....	24
	<b>D.</b> Текстиль и бумага .....	35
	<b>E.</b> Строительство; горное дело.....	35
	<b>F.</b> Механика; освещение; отопление; двигатели и насосы; взрывные работы .....	37
	<b>G.</b> Физика.....	37
	<b>H.</b> Электричество.....	46
	<b>1.5. FG4A</b> Систематический и нумерационный	
	<b>1.5. BZ1A</b> Систематический указатель заявок на изобретения	
	Систематический указатель заявок на изобретения к подразделу 1.1.....	48
	Публикация сведений об изобретениях, зарегистрированных в Государственном реестре изобретений	
	<b>1.2. FG4A</b> Патенты на изобретения.	
	<b>A.</b> Удовлетворение жизненных потребностей человека.....	50
	<b>C.</b> Химия и металлургия .....	58
	<b>D.</b> Текстиль и бумага .....	74
	<b>F.</b> Механика; освещение; отопление; двигатели и насосы; взрывные работы .....	74
	<b>G.</b> Физика.....	76
	<b>H.</b> Электричество.....	77
	<b>1.5. FG4A</b> Систематический и нумерационный указатели патентов и заявок на изобретения к подразделу 1.2.....	79
	Именной указатель авторов изобретений к подразделу 1.2.....	80
<b>II</b>	<b>ПОЛЕЗНЫЕ МОДЕЛИ</b>	
	Публикация сведений о полезных моделях, зарегистрированных в Государственном реестре полезных моделей	
	<b>2.1.FG4K</b> Патенты на полезные модели	
	<b>A.</b> Удовлетворение жизненных потребностей человека.....	82
	<b>B.</b> Различные технологические процессы .....	84
	<b>F.</b> Механика; освещение; отопление; двигатели и насосы; взрывные работы .....	85
	<b>2.2.FG4K</b> Систематический и нумерационный указатели патентов и заявок на полезные модели.....	87
	Именной указатель авторов полезных моделей.....	88
<b>III</b>	<b>ПРОМЫШЛЕННЫЕ ОБРАЗЦЫ</b>	
	Международные коды для идентификации библиографических данных, относящихся к промышленным образцам (Стандарт ВОИС ST. 80).....	89
	Публикация сведений о промышленных образцах, зарегистрированных в Государственном реестре промышленных образцов..	90
	<b>3.1. FG4L</b> Патенты на промышленные образцы.....	90
	<b>3.2. FG4L</b> Систематический и нумерационный указатели патентов и заявок на промышленные образцы.....	112
<b>IV</b>	<b>ТОВАРНЫЕ ЗНАКИ</b>	
	Международные коды для идентификации библиографических данных, относящихся к товарным знакам (Стандарт ВОИС ST.60).....	113
	<b>4.1. FG4W</b> Публикация сведений о товарных знаках, зарегистрированных в Государственном реестре товарных знаков.....	114
	<b>4.1. FG4W</b> Систематический и нумерационный указатели свидетельств и заявок на товарные знаки.....	189
<b>VI</b>	<b>ПРОГРАММЫ ДЛЯ ЭВМ</b>	
	Коды для идентификации библиографических данных, относящихся к программам для ЭВМ и базам данных.....	196
	<b>6.1.</b> Публикация сведений о программах для ЭВМ, зарегистрированных в Государственном реестре программ для ЭВМ.....	197
	<b>6.2.</b> Нумерационный указатель заявок на программы для ЭВМ.....	232
<b>VII</b>	<b>СЕЛЕКЦИОННЫЕ ДОСТИЖЕНИЯ</b>	
	Коды для идентификации библиографических данных, относящихся к селекционным достижениям.....	233
	<b>9.1. AA1E</b> Публикация сведений о принятых заявках.....	234
	<b>9.2.</b> Публикация сведений о названиях селекционных достижений .....	235
	<b>9.3. AA1E</b> Публикация сведений о селекционных достижениях, зарегистрированных в Государственном реестре сортов растений и пород животных.....	236
	<b>9.4. AA1E</b> Систематический и нумерационный указатели на селекционные достижения.....	261
<b>X</b>	<b>ДОГОВОРЫ О ПЕРЕДАЧЕ ПРАВ НА ОБЪЕКТЫ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ</b>	
	<b>10.1. QB4A/4W</b> Лицензионные договоры.....	263
	<b>10.2. PC4W</b> Договоры о передаче прав.....	268
<b>XII</b>	<b>ИЗВЕЩЕНИЯ</b>	
	<b>MB4W</b> Досрочное прекращение действия патента на промышленный образец на основании решения Апелляционного совета .....	269
	<b>ND4A</b> Восстановление срока действия патента Республики Узбекистан на изобретении.....	269
	<b>ND4K</b> Восстановление срока действия патента Республики Узбекистан на полезную модель .....	269
	<b>PD4K</b> Продление срока действия патента Республики Узбекистан на полезный модель.....	270
	<b>ND4L</b> Восстановление срока действия патента Республики Узбекистан на промышленный образец.....	270
	<b>PD4L</b> Продление срока действия патента Республики Узбекистан на промышленный образец .....	270
	<b>ND4W</b> Продление срока действия свидетельства Республики Узбекистан на товарный знак .....	271
	<b>ND4W</b> Изменение наименования владельца свидетельства Республики Узбекистана на товарный знак .....	273
	<b>TE4W</b> Изменение адреса владельца свидетельства Республики Узбекистан на товарный знак .....	274
	<b>TG4W</b> Внесение изменений в перечень товаров и услуг в свидетельствах РУз на товарные знаки.....	275
	Сведения о патентных поверенных.....	276
<b>XIII</b>	<b>ИСПРАВЛЕНИЯ К РАНЕЕ ОПУБЛИКОВАННОМУ</b> .....	277
<b>XIV</b>	<b>ВОСПРОИЗВЕДЕНИЕ ЦВЕТНЫХ ИЗОБРАЖЕНИЙ ЗАРЕГИСТРИРОВАННЫХ ТОВАРНЫХ ЗНАКОВ</b> .....	279



**ИХТИРОЛАР ВА ФОЙДАЛИ МОДЕЛЛАРГА ОИД БИБЛИОГРАФИЯ  
МАЪЛУМОТЛАРИНИ ИДЕНТИФИКАЦИЯЛАШ УЧУН  
ХАЛҚАРО КОДЛАР  
(БИМТ ST.9 стандарти)**

**МЕЖДУНАРОДНЫЕ КОДЫ ДЛЯ ИДЕНТИФИКАЦИИ БИБЛИОГРАФИЧЕСКИХ  
ДАНЫХ, ОТНОСЯЩИХСЯ  
К ИЗОБРЕТЕНИЯМ И ПОЛЕЗНЫМ МОДЕЛЯМ  
(Стандарт ВОИС ST.9)**

- |  |   |
|--|---|
| <b>(11)</b> - патент рақами  | <b>(11)</b> - номер патента   |
| <b>(13)</b> - ҳужжат турининг коди   | <b>(13)</b> - код вида документа  |
| <b>(21)</b> - талабномани рўйхатдан ўтказиш рақами   | <b>(21)</b> - регистрационный номер заявки  |
| <b>(22)</b> - талабномани топшириш санаси  | <b>(22)</b> - дата подачи заявки  |
| <b>(23)</b> - бошқа сана(лар), жумладан бирмунча олдин топширилган талабномага қўшимча материаллар келиб тушган сана   | <b>(23)</b> - прочая(ие) дата(ы), включая дату поступления дополнительных материалов к более ранней заявке  |
| <b>(31)</b> - устуворлик талабномасининг рақами  | <b>(31)</b> - номер приоритетной заявки   |
| <b>(32)</b> - устуворлик талабномасининг топширилиш санаси   | <b>(32)</b> - дата подачи приоритетной заявки   |
| <b>(33)</b> - устуворлик мамлакатининг коди  | <b>(33)</b> - код страны приоритета   |
| <b>(46)</b> - муҳофаза ҳужжатининг чоп этилиш санаси   | <b>(46)</b> - дата публикации охранного документа   |
| <b>(51)</b> - Халқаро патент классификациясининг (ХПК) индекси(лари)   | <b>(51)</b> - индекс(ы) Международной патентной классификации (МПК)   |
| <b>(54)</b> - ихтиро номи  | <b>(54)</b> - название изобретения  |
| <b>(57)</b> - ихтиро ёки фойдали моделнинг реферати, формуласи   | <b>(57)</b> - реферат, формула изобретения или полезной модели  |
| <b>(60)</b> - бошқа ҳуқуқий ёки процедура бўйича боғлиқ миллий ёки собиқ миллий патент ҳужжатларига ҳаволалар  | <b>(60)</b> - ссылки на другие юридически или процедурно связанные отечественные или бывшие отечественные патентные документы   |
| <b>(63)</b> - ўзининг давоми бўлган ушбу ҳужжатга нисбатан бирмунча олдин топширилган талабноманинг рақами ва санаси   | <b>(63)</b> - номер и дата подачи более ранней заявки, по отношению к которой настоящий документ является продолжением  |
| <b>(65)</b> - ушбу талабномага тегишли илгари нашр қилинган патент ҳужжатининг рақами  | <b>(65)</b> - номер ранее опубликованного патентного документа, касающегося данной заявки   |
| <b>(71)</b> - талабнома берувчининг номи, мамлакат коди  | <b>(71)</b> - имя заявителя, код страны   |
| <b>(72)</b> - муаллифнинг номи, мамлакат коди  | <b>(72)</b> - имя автора, код страны  |
| <b>(73)</b> - патент эгасининг номи  | <b>(73)</b> - имя патентообладателя   |
| <b>(85)</b> - РСТнинг 23(1)- ёки 40(1) - моддасига мувофиқ халқаро талабноманинг миллий босқичга ўтиш санаси   | <b>(85)</b> - дата перехода международной заявки на национальную фазу в соответствии со ст.23(1) или 40(1) РСТ  |
| <b>(86)</b> - РСТ халқаро талабномасининг талаб қилинувчи маълумотлари, яъни талабнома топширилган сана, талабноманинг рўйхатга олиш рақами ва факультатив равишда нашр қилинган талабнома дастлабки топширилгандаги тил | <b>(86)</b> - заявочные данные международной заявки РСТ, т.е. дата подачи заявки, регистрационный номер заявки и факультативно язык, на котором была первоначально подана опубликованная заявка |
| <b>(87)</b> - РСТ халқаро талабномасининг нашр қилинишига оид маълумотлар, яъни талабноманинг нашр қилинган санаси, нашр рақами ва факультатив равишда талабнома нашр қилинган тил                                       | <b>(87)</b> - данные относительно публикации международной заявки РСТ, т.е. дата публикации, номер публикации и факультативно язык публикации заявки  |

# I. ИХТИРОЛАР ИЗОБРЕТЕНИЯ

## Ихтироларга қабул қилинган талабномалар ҳақида маълумотларни нашр қилиш

### Публикация сведений о принятых заявках на изобретения

#### 1.1. BZ1A

#### ИХТИРОЛАРГА ТАЛАБНОМАЛАР

#### ЗАЯВКИ НА ИЗОБРЕТЕНИЯ

А бўлим  
ИНСОННИНГ ҲАЁТИЙ ЭҲТИЁЖЛАРИНИ  
ҚОНДИРИШ

Раздел А  
УДОВЛЕТВОРЕНИЕ ЖИЗНЕННЫХ  
ПОТРЕБНОСТЕЙ ЧЕЛОВЕКА

А 01

(13) В

(21) IAP 2016 0399

(22) 27.09.2016

(51) A01B 1/00

(71)(72) Расулев Убайдулла Рамазанович, UZ

(54) Ерга ишлов бериш усули ва уни амалга  
ошириш учун ишчи орган

Способ обработки земли и рабочий орган  
для его осуществления

(57) *Фойдаланиш соҳаси:* курилиш соҳаси ва қишлоқ хўжалиги, хусусан, ерга ишлов берувчи механизмлар ва асбоблар – бульдозерлар, скреперлар ва бошқалар, шунингдек, ўроқ машиналари. *Вазифаси:* ерга ишлов берувчи механизмлар ва ўроқ машиналари иш самардорлигини ошириш. *Ихтиро моҳияти:* ерга ишлов бериш усули ерга кучли ток узатувчи тортқига кинематик бириккан ишчи орган билан ишлов беришдан иборат бўлиб, ишчи орган сифатида бир жуфт тишли аррасимон, бир-бирининг ортидан сирғалувчи тасмалардан фойдаланилади, ва бу тасмаларга ўзаро қарама-қарши йўналишда унча катта бўлмаган амплитудадаги тебратма ҳаракатлар етказилади. Ерга ишлов берувчи механизмнинг ишчи органи кучли ток узатувчи тортқига кинематик бириккан бир жуфт тишли аррасимон тасмага эга, тишли аррасимон тасма жуфтининг ҳар бири бир-бирида сирғалиб бо-

риб, алмашиб турадиган кесувчи ва бир томонлама ажратиб борувчи тишлари билан ўзаро қарама-қарши йўналишларда унча катта бўлмаган амплитудадаги тебратма ҳаракатни ҳосил қилади.

*Использование:* строительство и сельское хозяйство, в частности, землеобрабатывающие механизмы и орудия - бульдозера, скрепера и т.п., а также косилки. *Задача:* повышение эффективности работы землеобрабатывающих механизмов и косилок. *Сущность изобретения:* способ обработки земли, включающий обработку земли рабочим органом, кинематически связанным с силовой тягой, в качестве рабочего органа используют пару зубчатых пилообразных полотен скользящих одно на другом, и полотнам сообщают колебательное движение небольшой амплитуды в взаимно-противоположных направлениях. Рабочий орган землеобрабатывающего механизма, содержащий пару зубчатых пилообразных полотен кинематически связанный с силовой тягой, каждое зубчатое пилообразное полотно пары выполнено скользящим одно на другом с возможностью колебательного движения небольшой амплитуды в взаимно-противоположных направлениях с чередующимися разрезающими и односторонне разводными зубьями.

(13) В

(21) IAP 2016 0389

(22) 23.09.2016

(51) A01C 3/00, C05F 3/00

(71) Тошкент ирригация ва мелиорация институти, UZ

Ташкентский институт ирригации и мелиорации, UZ

(72) Имомов Шавкат Жахонович, Қаюмов Тўланбой Холмирзаевич, Усмонов Камолитдин Эшқулович, Хакимов Баходир Бозорович, Султанов Мансур, UZ

**(54) Органик чиқиндиларни қайта ишлаш усули ва уни амалга ошириш қурилмаси**  
**Способ переработки органических отходов и установка для его осуществления**

**(57) Фойдаланиш соҳаси:** органик моддаларни микробиологик ферментлаш, хусусан, кишлок хўжалиги ишлаб чиқаришида органик чиқиндиларни бойитиш, шунингдек, оқава сувларни тозалаш. **Вазифаси:** метансақловчи газни ишлаб чиқариш кўламини ошириш ва қурилманинг хатосиз ишлашини таъминлаш. **Ихтиро моҳияти:** органик чиқиндиларни қайта ишлаш жараёни самарадорлигини ошириш, шунингдек, субстратнинг биореакторда техник тобланиши вақтини қисқартириш учун субстратни ачитиш жараёнида аралаштириш субстратни киздириш билан бир вақтда барботаж қилиш усули билан амалга оширилади, бунда биореактордаги ачитиш жараёни учта поғонада, субстрат поғоналарини ўзаро аралаштирилмаган ҳолда амалга оширилади. Шунингдек, метансақловчи газни ишлаб чиқариш кўламини ошириш ва қурилма хатосиз ишлаши учун қурилма поғоналарга ажраткичлар ва поғоналарни ўзаро боғлайдиган қайта қуёвчи қувурлар билан, шунингдек, қуйи қисмида газни барботажга узатувчи қувурлар ва иссиқ пол типигади иссиқлик алмаштиргич билан жиҳозланган, бунда ушбу иссиқлик алмаштиргич яхлит юза кўринишида бажарилган. Бундан ташқари, биореакторнинг поғоналарини ўзаро боғлайдиган қайта қуёвчи қувурлар ҳар бир поғонада барботаж аралаштирувига ҳалақит қилмайдиган максимал тўлалик юзага келадиган қилиб ўрнатилган, бунда поғоналарни боғлайдиган қувур бир вақтнинг ўзида ҳаво-субстратни ўтказиш имкониятига эга юмалоқ шаклли қувур кўринишида бажарилган. Қайта ишлашнинг учинчи поғонасидаги субстратни туширувчи қувур ушбу поғонада субстратнинг максимал ҳажми таъминланадиган баландликда ўрнатилган.

**Использование:** устройства для микробиологической ферментации органических веществ, в частности, обогащение органических отходов в сельскохозяйственном производстве, а также очистка сточных вод. **Задача:** повышение про-

изводительности по выработке метаносодержащего газа и надежности работы установки. **Сущность изобретения:** для повышения эффективности процесса переработки органических отходов, а также сокращения времени технологической выдержки субстрата в биореакторе, перемещение субстрата в процессе сбраживания осуществляется способом барботаж с одновременным подогревом субстрата, причем процесс сбраживания в биореакторе на трех ступенях без смешивания ступеней субстрата между собой. А также с целью повышения производительности выработки метаносодержащего газа и надежности работы установка снабжена разделителями на ступени и переливающие трубопроводами соединяющих между собой ступеней, а также установленных в нижней части трубопроводами для подачи газа на барботаж и теплообменником типа теплый пол, при этом последнее выполнено в форме сплошной плоскости. Кроме этого, переливающие трубопроводы соединяющий между собой ступеней биореактора установлены так чтобы на каждой ступени было максимальное заполнение не мешающие барботажному перемешиванию, при этом соединяющая труба ступеней выполнена в форме округлой трубы, имеющая возможность одновременно пропускать воздух-субстрат. А выгрузная труба субстрата на третьем ступени переработки установлена на таком уровне, чтобы при этом обеспечивался максимальный объем субстрата в этой ступени.

(13) В

(21) IAP 2016 0384

(22) 20.09.2016

(51) A01K 67/00

(71) Наманган муҳандислик-педагогика институти, UZ

Наманганский инженерно-педагогический институт, UZ

(72) Абдуллаев Мурадҷон Турсунович, Пулатов Алишер Саидҷамалович, Хайитов Баходирҷон Абдулбориевич, Турсунов Музаффар Мурадҷон ўғли, UZ

**(54) Мум қуяси қуртини кўпайтиришда электрохимёвий фаоллаштирилган сувдан фойдаланиш усули**

**Способ использования электрохимически активированной воды при разведении восковой моли**

**(57) Фойдаланиш соҳаси:** кишлок хўжалиги, хусусан, ўсимлик зарарқундаларига қарши

курашишда қўлланиладиган фойдали хашаротларни кўпайтиришда. **Вазифаси:** электрохимёвий фаоллаштирилган сув асосида мум куяси куртини кўпайтиришнинг янги такомиллаштирилган технологиясини яратиш ва қўллаш. **Ихтиро моҳияти:** усул мум куяси капалаги тухумидан курт олиш, куртлардан капалак ва тухум олиш, куртларни садокларда (ванналарда) махсус озика билан +33-35°C ҳарорат ва 80-85% хона намлигида 47-52 кун давомида боқишнинг барча босқичларида озика намлигини сақлашда оддий ариқ ёки водопровод суви ўрнида никел электродли электрохимёвий фаоллаштирувчи курилмада 7-10 минут давомида фаоллаштирилган водопровод сувининг ишқорий муҳитга эга бўлган католит (умумий каттиклиги 2,1-2,4 мг.экв/л ва рН қиймати 9,5-10,5) қисмидан фойдаланиланишни ўз ичига олади ва озика мухитининг ўзгариши асосида капалакларнинг 2-3 кун эрта учиб чиқишига, куртлар сонининг кўпайиши ҳисобига ишлаб чиқариш самарадорлигини 15-20% ортишига эришилади.

**Использование:** сельское хозяйство, в частности, разведение полезных насекомых, используемых в борьбе против вредителей растений. **Задача:** разработка новой, более усовершенствованной технологии разведения восковой моли на основе электрохимически активированной воды и его применение. **Сущность изобретения:** способ включает получение червей из яиц мотылька восковой моли, получение из червей мотылей и яиц, выкармливание червей содержащихся в садах специальным кормом на протяжении 47-52 дней, с обеспечением температуры +33-35°C и влажности помещения 80-85%, при этом во всех этапах выкармливания для сохранения влажности корма вместо простой проточной или водопроводной воды используется католитная (с общей твёрдостью 2,1-2,4 мг.экв/л и значением рН 9,5-10,5) часть водопроводной воды, активизированного в течение 7-10 минут на электрохимическом активизирующем устройстве, с никелированным электродом и имеющая щелочную среду на фоне изменения кормовой среды достигается вылет мотылей на 2-3 дня раньше срока, за счёт увеличения количества червей эффективность производства возрастет на 15-20 %.

(21) IAP 2016 0400

(51) A01M/

(71) (72) Шукурова Моҳигул Боқиевна, UZ

(13) B

(22) 27.09.2016

**(54) Олма мевахўри куртига қарши физикавий кураш усули**  
**Физический способ борьбы против яблонной плодорожки**

**(57) Фойдаланиш соҳаси:** ўсимликларни ва меваларни зараркунандалардан ҳимоя қилишда. **Вазифаси:** олма мевасининг гуллаш ва вегетация даврида зараркунандалардан тозалаш ва зараркунандаларга қарши воситаларнинг таъсир этиш самарасини ошириш. **Ихтиро моҳияти:** уруғли олма мева дарахтига маълум масофада иккита металл ўтказгич қоқилиб, ўтказгичларнинг икки учига ўрнатилган 12 В кучланишли, 60 мА ток кучига эга бўлган аккумулятор ёрдамида 2-3 секунд давомида 2-3 марта олма мевахўрининг 1-2-3 бўғинларига қарши таъсир этирилади. Такдим этилаётган услуб энг яқин аналогидан шу билан фарқланадики, ушбу усул бўйича олма дарахтига 2-3 секунд давомида вегетация даврида 2-3 марта ишлов берилганда личинкаларнинг 60% нобуд бўлиши, гуллагандан 45-46 кун ўтгач ишлов берилганда эса ўртача 25-28% нобуд бўлиши, гуллагандан 92-98 кун ўтгач ишлов берилганда эса 15-16% нобуд бўлиши кузатилди.

**Использование:** для защиты растений и фруктовых плодов от вредителей. **Задача:** очистка от вредителей яблони в период цветения и вегетации и повышение эффективности действия средств, используемых в борьбе с вредителями. **Сущность изобретения:** в ствол дерева семенной яблони прибавляется два металлических проводника с определенным расстоянием друг от друга, с помощью аккумуляторов, установленных на двух концах проводников с мощностью 12 В, и токовым зарядом 60 мА 2-3 раза выполняется противодействие на 1-2-3 сочленениям яблонной плодорожки на протяжении 2-3 секунд. Предложенный способ отличается от самого ближайшего аналога тем, что при обработке яблони данным способом 2-3 раза в вегетационный период погибают 60 % личинок, при обработке через 45-46 дней после цветения в среднем погибают 25-28 % личинок, а при обработке через 92-98 дней после цветения погибают 15-16 % личинок.

(13) B

(21) IAP 2016 0386

(22) 25.02.2015

(51) A01N 25/28, A01N 25/12, A01N 25/26, A01N 25/32, A01N 43/80, A01P13/02

(31)(32)(33) 2014-039836, 28.02.2014, JP

(71) КУМИАЙ КЕМИКАЛ ИНДАСТРИ КО., ЛТД., JP

(72) АРАИ, Хирокадзу, НАКАДЗИМА, Юкико, ИКЕУТИ, Тосихиро, САТО, Ацуси, JP

(85) 21.09.2016

(86) 25.02.2015, PCT/JP2015/055348

(87) 03.09.2015, WO 2015/129729

**(54) Баргларга ишлов бериш учун агрохимёвий композиция**

**Агрохимическая композиция для обработки листвы**

**(57) Фойдаланиш соҳаси:** агрохимё. **Вазифаси:** экиладиган ўсимликларда фитотоксиклик чақирмайдиган, лекин юқори даражада хавфсизликка ва бегона ўтларнинг кенг қўламига гербицид таъсир кўрсатиш хусусиятига эга бўлган баргларга ишлов бериш учун агрохимёвий композицияни тақдим этиш. **Ихтиро моҳияти:** пироксасульфон билан амалга ошириладиган, экиладиган ўсимликларга, тоғ-ён бағрларида ўсадиган ўсимликларга ишлов берилганда уларнинг баргларига ёпишиб қолиш оқибатида фитотоксиклик чақирмайдиган, лекин юқори даражада хавфсизликка ва бегона ўтларнинг кенг қўламига гербицид таъсир кўрсатиш хусусиятига эга бўлган баргларга ишлов бериш учун агрохимёвий композиция. Баргларга ишлов бериш учун агрохимёвий композиция пироксасульфон ва пироксасульфонни ниқоблайдиган ниқобловчи материалдан иборат бўлиб, пироксасульфон ниқобловчи материалга микроинкапсулаланган ёки ниқобловчи материал билан шундай тарзда қопланган бўладики, бунда экиладиган ўсимликлар баргларига пуркаб ишлов беришда унинг баргларга ёпишиб қолиб, фитотоксик таъсир кўрсатиши рўй бермайди.

**Использование:** агрохимия. **Задача:** предоставление агрохимической композиции для обработки листвы, которая не будет вызывать фитотоксичности у пропашных культур, но имеет высокий уровень безопасности и гербицидного воздействия на широкий спектр сорняков. **Сущность изобретения:** агрохимическая композиция для обработки листвы, которая не вызывает фитотоксичности у пропашных культур вследствие ее прилипания при листовой обработке культур, выращиваемых на гористых участках, осуществляемой пироксасульфеном, но обладает высоким уровнем безопасности и гербицидным воздействием на широкий спектр сорняков. Агрохимическая композиция для обработки листвы содержит пироксасульфен и

маскирующий материал, который маскирует пироксасульфен, где пироксасульфен микроинкапсулирован в маскирующий материал или покрыт маскирующим материалом, таким образом, что избегается фитотоксичность у пропашных культур вследствие его прилипания при проведении листового опрыскивания.

**A 61**

**(13) B**

(21) IAP 2016 0397

(22) 27.09.2016

(51) A61B 10/00

(71) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт маркази, UZ

Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр дерматологии и венерологии Министерства здравоохранения Республики Узбекистан, UZ

(72) Мавлянова Шахноза Закировна, Сабиров Улугбек Юсупхонович, Маматкулов Улугбек Арзикулович, Муллаханов Жавлон Бахтиярович, Исмогилов Абдумалик Исмоилович, Есинова Елена Владимировна, UZ

**(54) Терининг алергик касалликларини ташхислаш усули**

**Способ диагностики аллергических заболеваний кожи**

**(57) Фойдаланиш соҳаси:** тиббиёт, хусусан, дерматология. **Вазифаси:** беморларнинг кон зардобиди аниқланган оксил фракцияси – гамма-глобулин кўрсаткичини ҳисобга олган ҳолда терининг алергик касалликларини диагностика қилиш усули аниқлигини ва ахборот учун белгиланиш даражасини ошириш. **Ихтиро моҳияти:** таклиф этилаётган алергик касалликларни диагностика қилиш усули текширувдан ўтаётган бемор қонини таҳлил қилишни, бемор қонидан зардоб ажратиб олинишини, унда гамма-глобулин концентрацияси аниқланишини ва бу кўрсаткич 40,3 U/L дан ва соғлом одамлар кўрсаткичидан юқори бўлганда организмнинг алергик ҳолатини диагностика қилишни ўз ичига олади.

**Использование:** медицина, в частности дерматология. **Задача:** повышение точности и информативности способа диагностики аллергических заболеваний кожи с учетом определения показателей белковой фракции - гамма-глобулина в сыворотке крови больных. **Сущность**

**изобретения:** предложен способ диагностики аллергических заболеваний кожи, включающий исследования крови у больных, выделение из крови обследуемого больного сыворотки, определение концентрации гамма-глобулина и при значении этого показателя, превышающего от 40,3 U/L и выше показателей здоровых лиц диагностируют аллергическое состояние организма.

(13) В

(21) IAP 2017 0419

(22) 26.09.2017

(51) A61B 5/05, A61B 5/021, G01N 33/48

(71) Муминова Зиёда Абрововна, UZ

(72) Муминова Зиёда Абрововна, Саиджалилова Дилноза Джавдатовна, UZ

(54) **Акушерлик ва перинатал асоратларни прогнозлаш усули****Способ прогнозирования акушерских и перинатальных осложнений**

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** тиббиёт, акушерлик, перинатология. **Вазифаси:** қимматбаҳо ҳисобланган инвазив муолажаларни қўлламасдан туриб акушерлик ва перинатал асоратларни прогнозлашда аниқликни ошириш. **Ихтиро моҳияти:** услуга кўра, пациентканинг қон зардобида ҳомиладор аёлларда гестациянинг эрта даври, яъни 7-12 ҳафтасидан бошлаб 13-22 ҳафтаси, 22-36 ҳафтасига қадар ўсиб борувчи қоннинг юза ҳужайралари билан боғлиқ бўлган ҳужайра сиртидаги феталь ДНК концентрацияси аниқланади. Ҳомиладор аёллар қонининг юза ҳужайралари билан боғлиқ ДНК қийматлари: 7 – ҳафтадан бошлаб 12 - ҳафтасигача – 80,6-86,8 нг/мл; 13 - ҳафтадан бошлаб 22 - ҳафтасигача – 64,2-71,6 нг/мл; 23 ҳафтадан бошлаб 36 ҳафтасигача – 122,5-126,3 нг/мл га тенг бўлганда ҳомиладорликнинг физиологик кечиш даври ҳомилада патологияларсиз ўтаётгани прогнозланади. Ҳомиладор аёллар қонининг юза ҳужайралари билан боғлиқ ҳужайра сиртидаги ДНК қийматлари тегишли даврларда белгиланган меъёрлардан юқори бўлса, ҳомиладорлик асорати ривожланаётгани эҳтимоли ҳақида хулоса қилиш мумкин. Агар кўрсаткичлар тегишли даврларда белгиланган меъёрлардан 10-20 % юқори бўлса – фетоплацентар етишмовчилик (ФПЕ), ҳомиладорлик кўзғатган гипертензиянинг ривожланиши хулосаланади. Тегишли кўрсаткичлар 21-36 % юқори бўлса – ҳомилада касалликлар ривожланиши юзага келаётгани, ҳомила ўсиши орқада қолиши синдроми (ХЎОС) хулосаланади. Ушбу кўрсаткичлар қиймати 36-60 % ва ундан кўпроқни ташкил

этса, ҳомилада гипертензиявий бузилишларнинг оғир шакллари ривожланиши, ҳомиланинг муддатида эрта туғилиши хулосаланади.

**Использование:** медицина, акушерство, перинатология. **Задача:** повышение точности прогноза акушерских и перинатальных осложнений без использования инвазивных дорогостоящих процедур. **Сущность изобретения:** по способу в сыворотке крови пациентки определяется концентрация внеклеточной фетальной ДНК, связанной с поверхностью клеток крови у беременных женщин начиная с ранних 7-12 недель гестации и в динамике в сроки 13-22 недель, 22-36 недели. При значениях ДНК, связанной с поверхностью клеток крови у беременных в сроки: с 7 до 12 недель – 80,6-86,8 нг/мл; с 13 до 22 недель – 64,2-71,6 нг/мл; с 23 до 36 недели - 122,5-126,3 нг/мл - прогнозируют физиологическое течение беременности без патологии плода. При высоких значениях показателя концентрации внеклеточной ДНК, связанной с поверхностью клеток крови у беременных в соответствующие сроки, относительно нормы, можно заключить о возможном развитии осложнения беременности. Так, при значениях выше данных показателей в соответствующие сроки на 10-20% - фетоплацентарная недостаточность (ФПН), развитие гипертензии индуцированной беременностью. При значениях выше данного показателя на 21-35% - формирование пороков развития плода, синдром отставания роста плода (СОРП). При значениях выше данного показателя на 36-60% и более развитие тяжелых форм гипертензивных нарушений, преждевременных родов.

(13) В

(21) IAP 2016 0353

(22) 04.09.2016

(51) A61K 31/00, A61K 31/655

(71) Ветеринария илмий-тадқиқот институти, UZ

Научно-исследовательский институт ветеринарии, UZ

(72) Муртазин Булат, Джаббаров Шухрат Абдурашидович, Бабаев Туйгун Мирзаахмедович

(54) **Йирик шохли ҳайвонларнинг эмбрионал ўлимини олдини олиш учун препарат**  
**Препарат для профилактики эмбриональной смертности у крупного рогатого скота**

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** ветеринария, хусусан, ветеринария микробиологияси, шунингдек, ветеринария акушерлиги, гинекологияси ва

сунъий уруғлангириш. **Вазифаси:** препаратнинг пролонгирловчи хусусиятларини яхшилаш ва уни арзонлаштириш йўли билан эмбрионал ўлимнинг олдини олиш самарадорлигини ошириш. **Ихтиро моҳияти:** усулга кўра, диамидин, этоний, шўранинг (*Salsola sclerantha* С.А.М.) ер устидаги қисми сувли экстракти, феруланинг (*Ferula assa foetida* L.) ер устидаги қисми сувли экстракти, поливинилпироллидоннинг 10-25%-ли эритмаси ёки карбоксиметилцеллюлоза натрийли тузининг 0,2-0,25%-ли эритмасидан иборат препарат тери остига юборилади. Препарат пролонгирловчи самарага эга, ножўя таъсири йўқ, деярли 100 % самарали. У маҳаллий хом ашёдан тайёрланадиган арзон препарат ҳисобланади. Иқтисодий самара 15-20 % гача ортади.

**Использование:** ветеринария, в частности, ветеринарная микробиология, а также ветеринарное акушерство, гинекология и искусственное осеменение. **Задача:** повышение эффективности профилактики эмбриональной смертности, путем улучшения пролонгирующих свойств препарата и его удешевление. **Сущность изобретения:** по способу подкожно вводят препарат, включающий диамидин, этоний, водный экстракт наземной части солянки (*Salsola sclerantha* С.А.М.), водный экстракт наземной части ферулы (*Ferula assa foetida* L.), 10-25%-ный раствор поливинилпироллидона или 0,2-0,25%-ный раствор натриевой соли карбоксиметилцеллюлозы. Препарат обладает пролонгирующим эффектом, не имеет побочного действия, эффективен до 100 %. Он является дешевым и изготавливается из местного сырья. Экономическая эффективность повышается на 15-20 %.

(13) В

(21) IAP 2016 0359

(22) 10.04.2015

(51) A61K 31/14, A61P 11/00, A61P 31/04, A61P 31/02

(31)(32)(33) и 2014 03770, 10.04.2014, UA

(31)(32)(33) а 2015 03346, 10.04.2015, UA

(71) ГУМЕНЮК, Мыкола Ивановыч, UA

(72) ГУМЕНЮК, Мыкола Ивановыч, ДЕРКАЧ, Наталия Мыколаивна, ГОРОВЕНКО, Наталия Грыгоривна, UA

(85) 08.09.2016

(86) 10.04.2015, PCT/UA2015/000032

(87) 15.10.2015 WO 2015/156753

(54) Декаметоскинни микробга қарши восита сифатида *Bulkholderia* оиласи бактерия-

ларига ёки *Pseudomonas aeruginosa* тури бактерияларига қарши қўллаш  
**Применение декаметоксина как противомикробного средства против бактерий рода *Bulkholderia* или бактерий вида *Pseudomonas aeruginosa***

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** тиббиёт, хусусан, микробга қарши терапия учун воситалар. **Вазифаси:** декаметоскинни микробга қарши восита сифатида янгича қўллаш. **Ихтиро моҳияти:** декаметоксинни янгича қўллаш унинг *Bulkholderia* оиласи ёки *Pseudomonas aeruginosa* тури бактерияларига нисбатан микробга қарши таъсирида, хусусан, *Pseudomonas aeruginosa* тури бактериялари чақирган нозокомиал зотилжам каби касалликни даволашда қўлланишидан иборат.

**Использование:** медицина, в частности средства антимикробной терапии. **Задача:** применение декаметоксина как противомикробного средства по новому назначению. **Сущность изобретения:** новое применение декаметоксина заключается в противомикробном действии по отношению к бактериям рода *Bulkholderia* или бактериям вида *Pseudomonas aeruginosa*, и, в частности, для лечения такого заболевания, вызванного бактериями вида *Pseudomonas aeruginosa*, как нозокомиальная пневмония.

(13) В

(21) IAP 2016 0378

(22) 15.09.2016

(51) A61K 31/22, A61K 38/31, A61K 35/78

(71) "Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази" акциядорлик жамияти, UZ  
 Акционерное общество "Республиканский специализированный центр кардиологии", UZ

(72) Шек Александр Борисович, Курбанов Равшанбек Давлетович, Абдуллаев Алишер Абдумавлянович, Абдуллаева Гузаль Жалалитдиновна, Нагай Александр Виссарионович, Ахмедова Шохиста Саидамановна, Хошимов Шавкат Уразалиевич, Зияева Адолат Васиковна, UZ

(54) Статинларни қисман кўтара олмайдиган, осие этниклигига мансуб шахсларда юрак ишемик касаллигини даволаш усули  
**Способ лечения ишемической болезни сердца у лиц азиатской этничности с частичной непереносимостью статинов**

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** тиббиёт, айнан эса кардиология, статиннинг кенг қўлланилувчи тури ҳисобланган симвастатинни кўтара олмай-

диган, юрак ишемик касаллиги бор беморларда дислипидемияни даволаш ва белгиланган шароитларда даволаш учун розувастатинни белгилаш. **Вазифаси:** статинларни қисман кўтара олмайдиган, осие этниклигига мансуб шахсларда ЮИК даволаш усулини ишлаб чиқиш. **Ихтиро моҳияти:** бемор кўриқдан ва объектив текширувдан ўтказилади, ЮИК диагнозини қўйиш учун зарур бўлган анамнез, функционал таҳлиллар (ЭКГ, суткалик ЭКГ, эхокардиография) натижалари жамланади. Статинларни қўллаш учун кўрсатмаларни аниқлаштириш учун қоннинг липид спектри кўрсаткичлари, жигарнинг функционал кўрсаткичлари ўрганилади. СҮРЗА ва BCRP генетик полиморфизмига генетик типлаштириш ўтказилади. СҮРЗА5\*3/\*3 ва BCRP СА ёки СС генотиплари комбинацияси аниқланиши статинларни қисман кўтара олмасликни кўрсатади, бунда симвастатин қўллашдан олинади ва розувастатин суткалик 5 мг (тана массаси < 60 кг ёки > 60 бемор ёши) ёки 10 мг (тана массаси > 60 кг ёки < 60 бемор ёши) дозада қўллашга буюрилади.

**Использование:** медицина, а именно кардиология, при лечении дислипидемии у больных ишемической болезнью сердца с непереносимостью одного из широкоиспользуемого вида статина – симвастатина и назначении, при определенных условиях, для лечения – розувастатина. **Задача:** разработать способ лечения ИБС у лиц азиатской этничности с частичной непереносимостью статинов. **Сущность изобретения:** проводят осмотр и объективное обследование пациента, сбор анамнеза, функциональные исследования (ЭКГ, суточное ЭКГ, Эхокардиография), позволяющие установить диагноз ИБС. Изучаются показатели липидного спектра крови, показатели функции печени для уточнения показаний к назначению статинов. Проводится генотипирование на генетический полиморфизм СҮРЗА5 и BCRP. Выявление комбинации генотипов СҮРЗА5\*3/\*3 и BCRP СА или СС указывает на частичную непереносимость статинов, исключают из назначения симвастатин и назначают розувастатин в суточной дозе 5 мг (масса тела < 60 кг или возраст > 60 лет) или 10 мг (масса тела > 60 кг, возраст < 60 лет).

(13) В

(21) IAP 2016 0401

(22) 06.03.2015

(51) A61K 31/501 (2016.01), A61P 25/00 (2016.01), A61P25/14 (2016.01)

(31)(32)(33) 1403944.0, 06.03.2014, GB

(71) Такеда Фармасьютикал Компани Лимитед, JP


(72) ЭЛМОНД, Сара, GB

(85) 28.09.2016

(86) 06.03.2015, PCT/GB2015/050654

(87) 11.09.2015, WO 2015/132608


(54) Атаксик синдромини олдини олиш ёки даволаш учун пиридазин ҳосилаларини қўллаш

**Применение производных пиридазина для предупреждения или лечения атаксического синдрома**(57) **Фойдаланиш соҳаси:** фармацевтика. **Вазифаси:** янги бирикмаларни излаб топиш ва уларнинг қўлланиши. **Ихтиро моҳияти:** атаксик синдромини даволаш ёки олдини олиш учун (I) формула ёки унинг фармацевтик муқобил тузининг бирикмалари тақлиф этилган

унда

R<sup>1</sup> ўзи билан водород ёки фтор атомини ёки трифторметил гуруҳини ифодалайди;R<sup>2</sup> ўзи билан -X-Y-R<sup>3</sup> гуруҳини ифодалайди;R<sup>3</sup> ўзи билан 3- 10-аъзоли тўйинган ёки тўйинмаган карбоциклик ёки гетероциклик халқали тизимни ифодалайди;

X ва Y нинг ҳар бири ўзи билан кислород атоми ёки

C(O), -S(O)<sub>n</sub>, -C(O)NR<sup>4</sup>, -S(O)<sub>2</sub>NR<sup>4</sup>, -NR<sup>4</sup>,


гуруҳини ифодалайди;

шунингдек, атаксик синдромини даволаш ёки олдини олишда қўллаш учун дори воситаларини ишлаб чиқаришда, атаксик синдромини даволаш ёки олдини олишда қўллаш учун (I) формула бирикмаси; атаксик синдромини даволаш ёки олдини олишда қўллаш учун (I) формула бирикмасини, (I) формула бирикмасини сакловчи фармацевтик композицияни терапевтик самарали микдорда атаксик синдромини даволаш ёки олдини олишда қўллаш учун фармацевтик муқобил ёрдамчи восита – эритувчи ёки тарқатувчи-модда билан биргаликда беморга юбориш усули; формула бирикмасини ёки унинг фармацевтик муқобил тузини сакловчи фармацевтик композицияни терапевтик самарали



микдорда фармацевтик муқобил ёрдамчи восита – эритувчи ёки таркатувчи-модда билан биргаликда беморга қуйишни ўз ичига олган атаксик синдромини даволаш ва хавфини камайтириш усули таклиф этилган.

**Использование:** фармацевтика. **Задача:** поиск новых соединений и их применение. **Сущность изобретения:** предложены соединения формулы (I) или его фармацевтически приемлемой соли,




где

$R^1$  представляет собой водород или атом фтора или трифторметильную группу;

$R^2$  представляет собой группу  $-X-Y-R^3$ ;

$R^3$  представляет собой 3- 10-членную насыщенную или ненасыщенную карбоциклическую или гетероциклическую кольцевую систему

X и Y каждый независимо представляет собой связь, атом кислорода или группу -



для применения в предупреждении или лечении атаксического синдрома, также предложены соединения формулы (I) для применения в производстве лекарственных средств, в предупреждении или лечении атаксического синдрома; способ лечения или снижения риска атаксического синдрома, включающий введение больному терапевтически эффективного количества соединения формулы (I), фармацевтическую композицию, содержащую соединение формулы (I) совместно с фармацевтически приемлемым вспомогательным веществом – разбавителем или веществом-носителем применяемой для предупреждения или лечения атаксического синдрома; способ лечения или снижения риска атаксического синдрома, включающий введение больному терапевтически эффективного количества фармацевтической композиции, содержащей соединение формулы (I) или его фармацевтически приемлемую соль совместно с фармацевтически приемлемым вспомогательным веществом, разбавителем или веществом-носителем.

(13) В

(21) IAP 2016 0360

(22) 28.04.2015

(51) A61K 31/522, A61K 33/14, A61K 31/194, A61P 11/08

(31)(32)(33) а 2014 04623, 29.04.2014, UA

(71) ГУМЕНЮК, Мыкола Иванович, UA

(72) ГУМЕНЮК, Мыкола Иванович, ДЕРКАЧ, Наталия Мыколаивна, UA

(85) 08.09.2016

(86) 28.04.2015, PCT/UA2015/000038

(87) 05.11.2015, WO 2015/167416

(54) Ўпканинг сурункали обструктив касалликларини даволаш учун фармацевтик композиция

Фармацевтическая композиция для лечения хронических обструктивных заболеваний легких

(57) **Фойдаланиш соҳаси:** ўпканинг сурункали обструктив касалликларини даволаш учун препаратлар, айнан эса бронхолитик таъсирга эга дори воисталари. **Вазифаси:** дори воситалари ассортиментини кенгайтириш ва ўпканинг сурункали обструктив касалликларини даволаш учун теofilлин асосида камроқ ножўя реакцияга, хусусан, камроқ аритмоген таъсирга эга бўлган фармацевтик композицияни яратиш. **Ихтиро моҳияти:** ўпканинг сурункали обструктив касалликларини даволаш учун теofilлин, сув, калий хлорид, магний хлорид, қахрабо кислотаси ёки унинг тузидан иборат бўлган фармацевтик композиция.

**Использование:** препараты для лечения хронических обструктивных заболеваний легких, а именно, лекарственные средства бронхолитического действия. **Задача:** расширение ассортимента лекарственных средств и создание фармацевтической композиции для лечения хронических обструктивных заболеваний легких на основе теofilлина, которая имеет меньше побочных реакций, в частности, имеет меньший аритмогенный эффект. **Сущность изобретения:** фармацевтическая композиция для лечения хронических обструктивных заболеваний легких, содержащая теofilлин, воду, калия хлорид, магния хлорид, янтарную кислоту или ее соль.

(13) В

(21) IAP 2016 0387

(22) 22.09.2016

(51) A61K 35/78

(71) Самарканд давлат университети, UZ

Самаркандский государственный университет, UZ

(72) Мухамадиев Нурали Курбоналиевич, Раббимова Гулнора Таштемировна, Азизов Исмаил Казимович, Негмаджанов Бахадир Болтаевич, Мухамадиев Абдукодиёр Нуралиевич, UZ

**(54) Ҳомиладор ва туғган аёллар урогенитал йўлларидаги инфекцияни касалликларидан эндоген интоксикацияни бартараф этиш усули**

**Способ снятия эндогенной интоксикации при воспалительных заболеваниях урогенитального тракта у беременных и родильниц**

(57) *Фойдаланиш соҳаси:* тиббиёт. *Вазифаси:* хомиладор ва туғган аёлларда эндоген интоксикацияни бартараф этиш, сийдик чиқариш йўлларидаги инфекцияни касалликларидан даволашда фитотерапияни қўлланиши.

*Ихтиро моҳияти:* таркиби Ўзбекистонда руҳсат этилган ва ўсадиган доривор ўсимликлар *Codonopsis lanceolata* ва *Pimpinella anisum L.* (арпабодиён) ларнинг масса нисбати 9:1 дан ташкил топган фитотерапия. 5 г фитотерапия 1 литрлик термосда дамланади ва 100 мл дан кунига 5-6 марта овқатдан олдин 5 сутка давомида хомиладорлар организмидаги эндоген интоксикацияни бартараф этиш учун қабул қилинади, эндоген интоксикация параметраларини мўтадил қийматгача 3-5 сутка давомида тушириш имконини беради. Фитотерапияни чой ҳолида қўлланиши ва истеъмол қилиниши организмдаги эндоген интоксикация синдромига пасайиши ва ўз навбатида инфекцияни жараёнларини камайишига олиб келади, бу липидлар перекисли оксидланиш жараёнининг мўтадиллашуви ва тўқималар антиоксидантлик ҳимоясининг ошиши билан исботланади. Таклиф этилган ихтиронинг афзалликлари: 1. Хавфсиз, физиологик. 2. Медикаментоз юкламани камайтириш ёки умуман уни бекор қилиш (айниқса гестациянинг бошланиш даврида) имконияти; 3. Терапия самардорлиги 85,2%; 4. Тежамкор; 5. Даволанишнинг стационар ва амбулатория шароитида аёл томонидан мустақил бажарилиши.

*Использование:* медицина. *Задача:* применение фитосбора для снятия эндогенной интоксикации при лечении и для профилактики воспалительных осложнений урогенитального тракта у беременных и родильниц. *Сущность изобретения:* фитосбор, на основе разрешенных в Узбекистане лекарственных растений,

включающих надземную часть растения *Codonopsis lanceolata* и *Pimpinella anisum L.*, в соотношении компонентов по массе 9:1. 5 гр. сбора заваривают в термосе и принимают по 100 мл 5-6 раза в день за 30 мин до еды в течение 5 суток, который позволяет снизить параметры эндогенной интоксикации до нормальных значений в течение 3-5 суток. Использование и употребление фитосбора в виде чая способствует уменьшению синдрома эндогенной интоксикации, в свою очередь уменьшению воспалительного процесса в организме, что подтверждается нормализацией процессов перекисного окисления липидов и повышает уровень антиоксидантной защиты тканей. Преимущества заявленного изобретения: 1. Безопасность, физиологичность; 2. Возможность снижения медикаментозной нагрузки или полной ее отмены; 3. Эффективность терапии 85,2%; 4. Экономичность; 5. Возможность выполнения процедуры самой женщиной, как в стационарных, так и в амбулаторных условиях.

(13) В

(21) IAP 2016 0409

(22) 30.09.2016

(51) A61K 35/78

(71) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти, UZ

Научно-исследовательский институт санитарии, гигиены и профессиональных заболеваний Министерства здравоохранения Республики Узбекистан, UZ

(72) Ибрагимова Феруза Икромовна, Усманов Равшан Джахангирович, Хамракулова Мукаддасхон Аскарловна, Садиков Аскар Усманович, Жуматов Урозмат Жуматович, UZ

**(54) Тажрибада гипохлорид натрий билан захарланишни даволаш усули**

**Способ лечения интоксикации гипохлоридом натрия в эксперименте**

